



THE ROLE OF HANDICRAFT COOPERATIVE ASSOCIATIONS IN THE SOCIAL ADAPTATION OF DISABLED VETERANS OF THE SECOND WORLD WAR IN UZBEKISTAN

G.A. Dadamirzaeva

PhD, Associate Professor

Department of History, Namangan State University

E-mail: gulichehrad@gmail.com

Namangan, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: World War II, People's Commissariat of Social Security, disabled people, disabled people's cooperative, artel, cooperative association, production, boarding school, social adaptation.

Received: 18.08.26

Accepted: 19.08.26

Published: 20.08.26

Abstract: This article highlights disabled artels, which constitute one of the unknown pages of the cooperative movement in the history of Uzbekistan, as well as the involvement of disabled people into artels and the essence of state policy in this direction. The place and role of cooperative associations in improving the material and living conditions and social adaptation of those who returned from the fronts of the Second World War as disabled persons, pensioners, and members of soldiers' families are analyzed. The source base of the article consists of materials from the funds of the National Archives of Uzbekistan. According to the decree of the RSFSR Council of People's Commissars dated December 8, 1921, "On Social Security of Disabled Persons," disabled people who had the ability to work but were not included in state provision were granted the right to unite into production and consumer cooperatives. These cooperatives were exempted from state and local taxes. These cooperatives also played an important role in involving disabled veterans of the Second World War into labor.

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ НОГИРОНЛАРИНИНГ
ИЖТИМОЙ МОСЛАШУВИДА ҲУНАРМАНДЧИЛИК КООПЕРАТИВ
УЮШМАЛАРИНИНГ РОЛИ**

Г.А. Дадамирзаева*PhD, доцент**Наманган давлат университети Тарих кафедраси**e-mail- gulichehrad@gmail.com**Наманган, Ўзбекистон***МАҚОЛА ҲАҚИДА**

Калит сўзлар: Иккинчи жаҳон уруши, Ижтимоий таъминот халқ комиссарлиги, ногирон, ногиронлар кооперацияси, артел, кооператив уюшмаси, ишлаб чиқариш, интернат, ижтимоий мослашув.

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон тарихида кооператив ҳаракатнинг номаълум саҳифаларидан бири бўлган ногирон артеллари ҳамда ногиронларнинг артелларга жалб қилиниши ва шу йўналишдаги давлат сиёсатининг мазмун –моҳияти ёритилган. Иккинчи жаҳон урушида фронтдан ногирон бўлиб қайтганлар, пенсионерлар, жангчи оилаларининг аъзоларини моддий-маиший ҳолатини яхшилашда, ижтимоий мослашувида кооператив уюшмаларининг ўрни ва роли таҳлил қилинган. Мақоланинг манбавий асосини Ўзбекистон миллий архиви фондлари материаллари ташкил этади. 1921 йил 8 декабрдаги РСФСР ХКСнинг «Ногиронларни ижтимоий таъминлаш тўғрисида»ги декретига кўра меҳнат қилиш қобилиятига эга, лекин давлат таъминотида кирмаган ногиронларга ишлаб чиқариш ва истеъмол кооперативларига бирлашиш ҳуқуқи берилди. Бу кооперативлар давлат ва маҳаллий солиқлардан озод этилди. Ушбу кооперативлар Иккинчи жаҳон уруши ногиронларини меҳнатга жалб қилишда ҳам муҳим рол ўйнади.

**РОЛЬ КООПЕРАТИВНЫХ ОБЪЕДИНЕНИЙ РЕМЕСЛЕННИКОВ В
СОЦИАЛЬНОЙ АДАПТАЦИИ ИНВАЛИДОВ ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ В
УЗБЕКИСТАНЕ**

Г.А. Дадамирзаева*PhD, доцент**Кафедра истории, Наманганский государственный университет**E-mail: gulichehrad@gmail.com**Наманган, Узбекистан***О СТАТЬЕ**

Ключевые слова: Вторая мировая война, Народный комиссариат социального обеспечения, инвалиды, кооператив инвалидов, артель,

Аннотация: «В данной статье освещаются инвалидные артели, являющиеся одной из неизвестных страниц кооперативного движения в истории

кооперативное производство, адаптация.	объединение, интернат, социальная	Узбекистана, а также привлечение инвалидов в артели и суть государственной политики в этом направлении. Анализируются место и роль кооперативных объединений в улучшении материально-бытового положения и социальной адаптации лиц, вернувшихся с фронта Второй мировой войны инвалидами, пенсионеров и членов семей воинов. Источниковую базу статьи составляют материалы фондов Национального архива Узбекистана. Согласно декрету СНК РСФСР от 8 декабря 1921 года «О социальном обеспечении инвалидов», инвалидам, обладающим трудоспособностью, но не вошедшим в государственное обеспечение, было предоставлено право объединяться в производственные и потребительские кооперативы. Эти кооперативы были освобождены от государственных и местных налогов. Данные кооперативы также сыграли важную роль в привлечении к труду инвалидов Второй мировой войны».
--	--------------------------------------	---

Кириш. Биз мулоҳаза юритмоқчи бўлган масаланинг муҳим жиҳати шундаки, урушдан ногирон бўлиб қайтган шахсларнинг кейинги тақдири, уларнинг иш билан таъминланиши ва ижтимоий таъминот ва суғурта соҳасида амалга оширилган чоратadbirlar ногиронлар артеллари фаолияти мисолида таҳлил этилади. Ногиронлар артелларига бевосита раҳбарликни амалга оширган Ўзбекистон ногиронлар кооперацияси ва унинг фаолияти тарихимизнинг ва шу жумладан кооператив ҳаракатнинг ўрганилмаган соҳаларидан бири саналади. даврда кооперациянинг кенг тарқалган шаклларида бири ногиронлар кооперацияси бўлиб, ушбу тизимдаги артеллар дастлабки даврда Ижтимоий таъминот комиссарлиги бошқаруви таркибига киритилган эди. Айнан меҳнатга жалб қилишнинг кооператив шакли ногиронлар учун қулайлиги ва жамият учун фойдали бўлиш, даромад топишнинг энг мақбул йўли бўлишини назарда тутган совет ҳукумати ногиронларни кооперативлаштириш сиёсатига алоҳида эътибор қаратган.

Ногиронлар кооперацияси 1921 йил 8 декабрда қонуний жиҳатдан расмийлаштирилган. Ушбу кооперациянинг фаолият соҳасига ишлаб чиқаришнинг хилма-хил тармоқлари ва чакана савдо кирар эди. 1936 йилга келиб, Иттифоқ ногиронлар кооперацияси ўз артелларида 200 минг нафардан ортиқ ногиронларни бирлаштирган ва йиллик 2,5 млрд сўм маблағ айланмасига эга бўлган. Артеллар Ногиронлар кооперацияси

тизимининг бошланғич бўғини ҳисобланиб, Ногиронлар кооперациясининг вилоят, ўлка ва республика уюшмаларига бирлаштирилган. Уларга умумий раҳбарликни ҳамда марказий органларга вакилликни иттифокдош республикаларнинг Ногиронлар кооперацияси совети амалга оширган бўлиб, барча кооператив бирлашмалари ўз ишини Ижтимоий таъминот Халқ комиссарлиги раҳбарлигида олиб борган. ЎзССР Ногиронлар кооперацияси совети—“Узкоопинсовет” 1939 йил июндан 1946 йилга қадар ЎзССР Ижтимоий-таъминот халқ комиссарлиги тасарруфида фаолият олиб борди. 1946-1950 йил ноябрь ЎзССР Министрлар совети ЎзССР ногиронлар кооперацияси Совети, 1950 йил 11 ноябрь-1953 йил 1 июль оралиғида ЎзССР Министрлар совети ҳузурида ЎзССР ногиронлар кооперацияси уюшмаси сифатида фаолият олиб борди. Ҳар бир вилоятда эса ногиронлар кооперациясининг уюшмаси фаолият кўрсатди.

Ногиронлар кооперацияси ташкилий иқтисодий жиҳатдан тузилишига кўра артель аъзоларининг кундалик турмушдаги ижтимоий муаммоларини ҳал қилишда муҳим роль ўйнади. Айниқса Иккинчи жаҳон уруши ногиронларини ижтимоий мослашувига сезиларли таъсир кўрсатди. Коопертивлар ногиронларга моддий ёрдам бериш билан бир қаторда даволанишлари ва протез маҳсулотлари билан таъминланишига кўмаклашди. Ногиронлар учун махсус цехлар очилди. Корхоналарда фаолият олиб бориш имконига эга бўлмаган ногиронларга уйда ишлашлари учун алоҳида буюртмалар берилиб, ишлашлари учун шароит яратилди. Уйда ишловчилар эса асосан биринчи гуруҳ ногиронлари, кўп болали оналар, ёш болали оилалар ҳамда етим болалардан иборат эди.

Ўзбекистон иқтисодиётининг бугунги замонавий ривожланиш жараёнларида кооперациянинг турли шакллари фаолияти тарихий тажрибасини қайта кўриб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Ногиронлар артелларининг амалий фаолиятига мурожаат қилиш эса ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг янги шакллари ривожлантиришга ёрдам бериши мумкин. Ўзбекистон Миллий архиви ва вилоятлар давлат архивида сақланаётган ҳужжатлар асосида ногиронлар кооперативларининг ишлаб чиқариш, ижтимоий, маданий-маърифий йўналишлардаги фаолиятининг тарихий тажрибасини кўриш мумкин. Кооперациянинг бошқа шакллари Ўзбекистон миқёсида бир қатор тадқиқотчилар томонидан ўрганилганига қарамай ногиронлар кооперацияси фаолияти олимлар, тарихчилар ва бошқа соҳа вакиллариининг махсус тадқиқоти мавзуси бўлмаган. Шу давргача бўлган тадқиқотларда ногиронлар кооперацияси ва артеллари тилган олинмаган.

Методлар Тадқиқот жараёнида бир қатор методологик асослардан фойдаланилди. Улардан энг муҳими тарихийлик ва объективлик тамойилларига амал қилиниб, тарихий

жараённинг ёритишда далиллар ва хужжатларнинг устуворлиги, бир томонлама ёндашувдан воз кечишга асосланади. Тарихий қиёслаш, таҳлил методлари Иккинчи жаҳон уруши ногиронларининг ижтимоий мослашувида ҳунармандчилик кооператив уюшмаларининг роли яқка ҳолдаги ҳодиса сифатида эмас, балки Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий ҳаётининг таркибий қисми сифатида ўрганишни назарда тутди. Бу жараёнда тадқиқот хронологияси воқеаларнинг сабаб ва оқибатлари ҳамда ўзаро боғлиқлигини чуқурроқ аниқлаш имконини беради.

Натижалар Ўзбекистонликлар Иккинчи жаҳон уруши фронтларида олиб борилган жангларда душманга қарши аёвсиз курашдилар. Тарихий тадқиқотларнинг кўрсатишича, Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистондан 1 млн 433230 киши қатнашди. 1941 йилда Ўзбекистон аҳолиси 6,5 млн киши эканлигини ҳисобга олсак, Иккинчи жаҳон уруши фронтларида Ўзбекистон аҳолисининг 22 фоизи иштирок этди. Агар аҳолининг ярмини аёллар, болалар ва кексалар ташкил этишини ҳисобга оладиган бўлса, меҳнатга яроқли аҳолининг 40-42 фоизи фронтда жанг қилганлиги аниқ бўлади. Курашувчиларнинг бундай юқори салмоғи фақат фашизмга қарши коалициядаги чекланган микдордаги иштирокчи мамлакатлар учунгина хос бўлган. Босқинчиларга қарши қўлига қурол олиб жанг қилган ўзбекистонлик жангчиларнинг умумий таркибидан 263 005 киши ҳалок бўлган, 132 670 киши бедарак йўқолган, 60 452 ватандошимиз ногирон бўлиб қолган.

Уруш бошланган дастлабки ойларданоқ Ўзбекистонда ногиронларни қабул қилиш, соғломлаштириш, ишга жойлаштириш асосий масалалардан бири бўлди. Жумладан 1941 йил 17 ноябрда Ўзбекистон КП МҚ ҳузуридаги фронтдан келаётган ногиронларни кутиб олиш ва уларга ёрдам кўрсатишни ташкил этиш бўйича йиғилиш қарорига асосан Тошкент, Самарқанд, Андижон, Қўқон, Фарғона, Наманган ва Бухоро шаҳар советларига беш кун муддатда Ватан уруши ногиронлари учун вақтинчалик ётоқхона топиш ва жиҳозлаш, (Тошкент шаҳрида 300 кишилик, бошқа шаҳарларда 100-150 киши) топшириғи берилди. Ижтимоий таъминот халқ комиссарлигига бир сутка давомида ногиронлик гуруҳини аниқлаш ва давлат корхоналарида ишлай олмайдиган ногиронларни Ижтимоий таъминот халқ комиссарлигининг тизимида иш билан таъминлаш мажбурияти юклатилди. Ижтимоий таъминот халқ комиссари Исломовга 1 ой муддатда ногиронлар кооперациясидаги ёлланма ишчиларни минимум даражада бўшатиб уларни уюшган ҳолда ишлаб чиқариш корхоналарига ўтказиш ва қўшимча ногиронлар артеллари ташкил қилиш ва уларни ишга жойлаштириш тадбирини тайёрлаш топшириғи берилди. Жумладан, Тошкент шаҳар озиқ-овқат ҳунармандчилик уюшмаси тизимида 1943 йил 1 январ

ҳолатига Иккинчи жаҳон уруши ногиронларининг 38 нафари тизим артелларида иш билан таъминланди .

Ўзбекистон ССР Ногиронлар кооперацияси советининг 1943 йил 6 августдаги “Иккинчи жаҳон урушида кўзи ожиз бўлиб қолган ногиронлар учун ишлаб чиқариш ўқувини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига кўра, Тошкент шаҳридаги «Ворошилов» ва «Қизил Октябрь» артеллари ҳузурида урушда кўздан айрилган 60 нафар ногирон учун ишлаб чиқаришга ўргатиш курсларини ва намуналий-кўргазмали ётоқхоналар ташкил этилди. Кўзи ожиз ногиронларни ишлаб чиқаришга ўргатиш ва улар учун турар жой ташкил этишни молиялаштириш мақсадида Тошкент шаҳар ногиронлар уюшмасига Иккинчи жаҳон урушида ногирон бўлган шахслар ва Қизил Армияга чақирилган фуқаролар оилаларига ёрдам фонди маблағлар ҳисобидан 100 минг рубль ва марказлаштирилган маданий-оммавий тадбирлар ҳамда кадрлар тайёрлаш фонди ҳисобидан 100 минг рубль кредит ажратилди.

Урушдан кейинги даврда ишлаб чиқаришга қўшимча ишчи кучини жалб қилишга, фронтда жароҳат олган собиқ жангчиларни меҳнат фаолиятига қайтаришга алоҳида эътибор берилди. 1947 йил 1 январь ҳолатига ҚҚАССР ногиронлар кооператив уюшмаси таркибида 11 та артел мавжуд бўлиб, уларда жами 626 нафар ишчи ва хизматчилар жумладан, 380 нафар ёки 67 фоиз артел аъзолари фаолият олиб борди. Артел аъзоларини 72 нафари Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари, 141 нафари меҳнат ногиронлари, 88 нафари эса ҳарбий хизматчилар оила аъзолари ташкил этган. Лекин артелларда ёлланма ишчилар сони 15 фоиздан ошмаслиги керак, деган талаб мавжуд эди . Иккинчи жаҳон уруши ногиронларининг кооперацияга жалб этилганлигидаги жуда оз улуш, фақатгина артеллар бошқаруви томонидан улар учун етарли меҳнат шарт-шароитлари яратилмаётганлиги билан изоҳланди.

1948 йилда 1946 йилга нисбатан уюшмалар сони 2 тага камайди, бу Сурхондарё ва Қашқадарё ҳамда Хоразм ва Қорақалпоғистон уюшмаларининг кўшилиши ҳисобига юз берди. Артеллар сони 12 тага қисқарди. Ҳисобот даври мобайнида артелларда меҳнат қилаётган ходимлар сони 2 547 нафарга камайди. Шу билан бирга, Иккинчи жаҳон урушида қатнашган ногиронлар сони 414 нафарга ёки 28,4 фоизга ошди . Раҳбар кадрлар кўнимсизлиги аксарият ногиронлар кооператив уюшмаларига хос бўлган ҳолатдир. Тўлиқ бўлмаган маълумотларга кўра, 1947 йилда Тошкент шаҳар ногиронлар кооператив уюшма тизимида артелларнинг 67 нафар раҳбар ходимлари алмаштирилган.

ЎзССР Ногиронлар кооперацияси фаолияти ҳақида ҳисоботга кўра, 1945 йилдан бошлаб режалар тизимли равишда бажарилмасдан келинганлиги туфайли, Ўзбекистон

ССР Ногиронлар кооперацияси жуда оғир молиявий-хўжалик ҳолатига тушиб қолди. 1940 йил ҳисобот маълумотларига кўра, кооперация тизимининг ишлаб чиқариш фаолияти урушгача бўлган даврда асосан ишлаб чиқаришнинг бешта етакчи тармоғи, хусусан тикувчилик, озиқ-овқат, тўқимачилик, чарм-пойабзал, металлга ишлов бериш соҳаларига таянган. Ушбу беш йўналиш бажарилган ишлар умумий ҳажмининг 84,3 фоизини ташкил этган. Тизимда ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан ишчи ходимлар сонини кўпайтириш, артель аъзоларига тегишли бўлган жиҳоз ва ускуналардан фойдаланиш ҳамда хусусий шахслардан ижарага олинган бинолардан фойдаланиш орқали амалга оширилди. Уруш тугаши ва бозор конъюнктурасининг ўзгариши кооператив тизими олдида режаларни тўлиқ қайта кўриш масаласини қўйди. Завод ва фабрикаларнинг истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ўтиши муносабати билан артеллар бир қатор маҳсулотларни ишлаб чиқаришни тўхтатишга мажбур бўлишди. Реевакуация туфайли ишчилар сони кескин камайди, давлат буюртмалари сони ҳам озайди ва бу тизимни хомашёнинг асосий манбасидан маҳрум этди. Бундан ташқари артелларининг ишлаб чиқариш цехлари техник жиҳатдан етарли даражада жиҳозланмаган бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнида асосан кўл меҳнати устунлик қилди. 1947–1948 йиллар давомида айрим артелларда меҳнатни енгиллаштирувчи механизмлар жорий этилди. Бироқ унинг кейинги ривожланиши, айниқса жойларда, энергетик база етишмаслиги туфайли тўхтаб қолди. Лекин шунга қарамай артел аъзолари сони ортиб борди. 1948 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, тизимга қарашли артелларда жами 7 981 киши ишлаган. Улардан 5 889 нафари артель аъзолари, 2 092 нафари эса ёлланма ходимлар бўлиб, бу артель аъзолари сонининг 35,5 фоизини ташкил этди. Артель аъзолари таркибида Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари 1 873 нафар, меҳнат ва бахтсиз ҳодисалар ногиронлари 2 883 нафар, ҳалок бўлган жангчилар ва ҳарбий хизматчилар оилалари аъзолари 1 046 нафар фаолият олиб борди. 1949 йил 23 декабрь ҳолатига Ўзбекистон ССР ногиронлар кооперацияси тизимида 94 та артель мавжуд эди.

Муҳокама. ЎзССР Министрлар Советининг 1948 йил 14 апрелдаги ЎзССР ногиронлар кооперациясининг низоми, артеллар устави, аъзолик китобчаларини тасдиқлаш тўғрисидаги 690-сонли қарори ва СССР Конституциясининг 126-моддасига биноан ногиронлар кооперацияси мустақил кооператив тизим ҳисобланади. Унинг асосий вазифаси ногиронларни барча гуруҳ ва категорияларини иш билан таъминлаш бўлиб, уларни социалистик қурилиш фаолиятига жалб қилиш асосида моддий ва маданий турмуш даражасини кўтарди. Ногиронлар кооперацияси бор имкониятларини ишга солиб ногиронларни иш билан таъминлаш базаси сифатида ўз хўжалигини ривожлантириб

боради. Шу вақтнинг ўзида халқ хўжалигини ривожлантиришда иштирок этиб, кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириб, маҳаллий хом ашёдан маҳсулот ишлаб чиқариш ва аҳолини маиший эҳтиёжларига хизмат қилувчи корхоналар ташкил этади. Низомнинг 5-бандида ногиронлар артели ва ногиронлар артели уюшмасига тегишли корхоналар барча бино ва жиҳозлари, жонли ва жонсиз инвентарлари, маҳсулотлари, хом ашё, материаллари ва бошқа қийматлари билан СССР конституциясининг 7-моддасига биноан кооператив ташкилотнинг жамоавий социалистик мулки ҳисобланиб, артель аъзоларининг умумий йиғилиши розилигисиз ёки СССР ҳукуматининг тегишли қарорисиз олиниши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилди. Бундан ташқари махсус билимни талаб қиладиган ёки ногиронлар бажара олмайдиган ишларга артель аъзоларининг умумий сонининг 20 фоизи миқдорида ишчи ва хизматчилар ёллаши мумкинлиги, мавсумий хом ашё тайёрлашнинг босим кучайган даврида 40 фоизгача, кўзи ожизларнинг махсус артелларида 50 фоизгача ёлланма ишчига рухсат берилди. Фойданинг 20 фоизи артель аъзолари ўртасида қўшимча даромад сифатида тақсимланадиган бўлди. Артель ўз даромадидан ЎзССР ногиронлар кооперацияси томонидан белгиланган юқори органларни сақлаш ва уюшма фонди, кредит ва махсус фонди, марказлашган маданий-маърифий тадбирлар, кадрлар тайёрлаш, илмий иш, наشريёт ва бошқа ишлар учун маблағ ўтказишга мажбур эди.

1950 йил декабрда бўлиб ўтган Тошкент область ногиронлар кооператив уюшмаси Президиумининг йиғилишда юрист-ногиронлар бюросини ташкил этиш масаласи кўриб чиқилди. Бу ташаббус Конституциянинг 126-моддасида берилган ҳуқуққа ва кооператив артели Низомининг 1-моддаси талабларига мувофиқ равишда амалга оширилиши таъкидланди. Шунингдек, Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари, қарилик нафақасидаги шахслар, шахсий нафақахўрлар ва бошқа юридик билим ҳамда малакага эга шахслар Ногиронлар кооперацияси тизимидаги артелларга жалб этилмагани ва ишга жойлаштирилмагани, ногиронлар ва ишлаб чиқариш артеллари эса тегишли юридик ёрдамни олмаётгани қайд этилди. Юқоридагилардан келиб чиқиб ногиронлар кооператив уюшмаси ногирон-юристларни ишга жойлаштириш ва тизимдаги артелларга, шунингдек бошқа кооператив тизимларга тегишли ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш мақсадида “Ташинтруд» артели ҳузурида юристлар бюросини ташкил этишги қарор қилди. 1950 йил ноябрь ойидаги Ногиронлар кооперацияси Президиуми “Ногирон-юристлар бюроси тўғрисидаги низом” ни тасдиқлаш ҳақида йиғилиш ўтказди. Унга кўра, РСФСР ва Украина ССР ногиронлар кооперацияси тизимида Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат ногиронларидан ташкил топган юристлар артеллари ва цехлари мавжудлиги, улар Ногиронлар ва

Хунармандчилик кооперацияси артеллари шартномалари асосида, шунингдек, Адлия вазирлиги ва бошқа жамоат ташкилотлари билан келишган ҳолда юридик ёрдам кўрсатаётгани алоҳида таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, Тошкент область ногиронлар кооператив уюшмаси томонидан тақдим этилган “Ташинтруд” артели Ногирон-юристлар бюроси тўғрисидаги Низомни тасдиқланди. Ўзбекистон ССР Министрлар Советига мурожаат этиб, ушбу бюро аъзоси бўлган юристларни кооператив ва давлат фуқаролик ишларида томонлар вакили сифатида суд органларига киришга рухсат бериш масаласини кўриб чиқишни сўралди.

Бу даврда Ўзбекистондаги ижтимоий таъминот ташкилотлари уруш ногиронларини ишга жойлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, Иккинчи жаҳон уруши ногиронларининг жами 68 600 нафари ҳисобда киритилиб, шулардан 59 592 нафари ишга жойлаштирилди . Уруш ногиронлари халқ хўжалиги соҳалари бўйича қуйидагича тақсимланган: ишлаб чиқаришда 7 890 нафар, кооперацияда 3 588 нафар, уй қасаначилиги 935 нафар, уйда ишловчилар 935 нафар, муассасаларда 5 898 нафар, таълим олаётганлар 2 092 нафар, қишлоқ хўжалигида 29 934 нафар, бошқа ташкилотларда 9 255 нафар, жами 59 592 кишидан иборат бўлган. Ишламаётган уруш ногиронларининг 850 нафари интернатларда тўлиқ давлат таъминотида олинди . Архив манбаларига кўра интернатлардаги ногиронларни ҳам ишлаб чиқаришга жалб этиш мақсадида ўқув курслари ташкил этилиб касб-хунарга ўргатилди ҳамда улар учун алоҳида артеллар ёки устaxonалар ташкил этилди.

Ўзбекистон ногиронлар кооперацияси артелларида 1943 йилда Ватан уруши ногиронларининг 129 нафари, 1944 йилда 260 нафари касиб, тикувчи, арқончи ва бошқа касбларга ўқитилган. Бундан ташқари, республикадаги барча ногиронлар уйлари ҳудуддаги артелларга ишлаб чиқаришга ўқитиш учун бириктириб қўйилган эди. Масалан, Андижондаги «Ленинск» ногиронлар уйи «Октябрь», Қўқондаги 1-ногиронлар уйи «Интруд», 2-ногиронлар уйи «Гулистон», Фарғонадаги Қувасой ногиронлар уйи «Фергинтруд», Марғилондаги ногиронлар уйи «Тельман» ва «Муқимий» номли артелларига бириктирилди .

Ўзбекистон ногиронлар кооперацияси советининг 1949 йил 28 сентябрда «Ўзбекистон ССР ногиронлар кооперациясидаги камқувватли ва зарар билан ишлаётган ташкилотларни бирлаштириш ва тугатиш тўғрисида»ги қарори асосида тизимда бир қатор ўзгаришлар амалга оширилди. Кооператив маблағларини иқтисод қилиш, камқувватли ва параллел ишлаётган ташкилотларни мустақамлаш мақсадида, Тошкент шаҳар ногиронлар кооператив уюшмаси билан Тошкент вилоят ногиронлар кооператив

уюшмасини бирлаштириш, Тошкент шаҳридаги «Киров» ва «Ворошилов» артелларини тугатиш, «Родина» ва «Жданов» артелларини бирлаштириш, Намангандаги «Шарк» артелини «Октябрнинг 31 йиллиги», «Коопинтруд», «Красная армия» артели билан, Андижондаги «Интруд» артелини «Победа» артелига бирлаштириш, Андижон шаҳридаги «Саноат» артелини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинди .

Бу жараён урушдан кейинги йилларда фонд хом ашёси асосидаги ҳарбий буюртмалар оқимининг кескин камайиши, хом ашё ва маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарининг чиқиндиларини қидириб топиш каби муаммолар билан изоҳланар эди. Гарчи 1949 йил режаси 101,6 фоизга бажарилган бўлса-да, асосий маҳсулотлар ишлаб чиқариш режаси амалга оширилмаган эди. Жумладан, 30,6 минг дона устки трикотаж, 82,3 минг дона пайпоқ маҳсулотлари, 40,1 минг жуфт пойабзал, 81,4 минг тонна колбаса маҳсулотлари, 204,6 тонна макарон маҳсулотлари аҳолига етказиб берилмаган. Шунингдек, бошқа савдо ташкилотлари билан хўжалик алоқаларининг яхши йўлга қўйилмаганлиги сабабли, 1950 йил 1 июнь ҳолатига 200 минг сўмлик маҳсулот сотилмай қолиб кетди .

Бу муаммоларни бартараф этиш учун Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан «ЎзССР ногиронлар кооперацияси ишини яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги (1950 йил 14 июнда) ва Ўзбекистон ССР Ногиронлар кооперацияси Президиумининг «ЎзССР ногиронлар кооперациясида ногиронларни ишга жойлаштириш ҳолати ҳақида»ги (1951 йил 25 июндаги) қарорлари қабул қилинди. Уларда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ногиронлар кооперацияси ишида жуда кўп камчиликлар борлигини маълум қилди. Жумладан, Ногиронлар кооперациясининг уюшма артеллари уруш ногиронлари ва меҳнат ногиронларини иш билан таъминлаш вазифасини бажармаганлиги, 1949 йилда артель аъзолари сони 290 тага камайгани, артеллар ногиронлар ишлаши учун керакли шароитни яратмагани, юқори турувчи ташкилотлар ва жамоат назоратининг қониқарсизлиги оқибатида артелларда кооператив мулк талон-тарож қилингани, тизимда камомад ва ўғирликлар миқдори 1,3 млн. сўмни ташкил этгани (1949 йилда) каби муаммолар кўрсатилди.

Ўзбекистон Ногиронлар кооперациясининг 1950 ва 1951 йилнинг

1-чораги бўйича берилган ҳисоботида кўра, кооперация бир неча юз миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарадиган, минглаб уруш ва меҳнат ногиронларини ўзида жамлаган 87 артелни ўзида бирлаштирган . 1950 йил учун режа бўйича 750 нафар ногиронларни ишга жойлаштириш ва кооперативлаштириш белгиланган бўлиб, амалда 655 нафари иш билан таъминланган, яъни режа 87,3 фоизга бажарилган эди. Масалан,

Андижон вилояти ногиронлар кооператив уюшмаси режадаги 24 нафар ўрнига биринчи чорада 74 киши, Фарғона вилояти ногиронлар кооператив уюшмаси режадаги 22 нафар ўрнига 59 кишини иш билан таъминлаган эди. Шунингдек, 1951 йил биринчи чораги якунларига кўра, 75 нафар социалистик мусобақанинг энг яхши зарбдор, стахановчи, ташкилотчи ва раҳбарлари Ўзбекистон Ногиронлар кооперациясининг фахрий ёрликлари билан тақдирланган.

Гарчи айрим вилоятларда белгиланган режалар ортиғи билан бажарилган бўлсада, Ўзбекистон ССР миқёсида вазият қийинлигича қолаверган. Жумладан, 1951 йил ҳолатига тизимдаги иш билан таъминлашнинг қониқарсиз аҳволи туфайли республикадаги Ватан уруши III гуруҳ ногиронларининг – 1 280 нафари, меҳнат ногиронлари III гуруҳининг – 2 850 нафари, вафот этган жангчи oilаларининг меҳнатга яроқли аъзоларининг – 2 635 нафари, I гуруҳ ногиронларининг – 2 634 нафари, II гуруҳ ногиронларининг – 1 639 нафари ишсиз қолди. Бу муаммолар кейинги йилларда ҳам ўзининг ечимини топмади. Масалан, Ўзбекистон ССРда 1952 йил 1 февраль ҳолатига иш билан таъминланмаган ва ижтимоий таъминот ташкилотлари рўйхатида турган Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари 5 347 нафар, меҳнат ногиронлари 18 869 нафар бўлиб, жумладан, Фарғона вилоятида 696 ва 2 090 нафар, Андижон вилоятида 427 ва 1 051 нафар, Наманган вилоятида эса 302 ва 444 нафарни ташкил этди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1946 йил 30 мартдаги «Интернатлардаги Ватан уруши ногиронларини моддий ва маданий-маиший турмуш шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан 1946 йилнинг 15 май санасидан кечикмай Ўзбекистон ногиронлар кооперацияси совети барча интернатларда ногиронларни «уйда ишловчилар» сифатида ишлаб чиқаришга жалб этиш вазифаси юклатилди. Ушбу қарорни амалга ошириш жараёнида Қувасой, Марғилон шаҳарларидаги уруш ногиронлари интернатларидан 95 кишини касбга ўқитишни ташкил этиш вазифаси ҳам топширилди. Бунинг учун 10 кун муддатда инструктор ёки усталар билан таъминлаш ҳамда вилоят ногиронлар кооператив уюшмасига интернатлардаги ногиронларни ўқитиш учун хом ашё, материал ва асбоб-ускуналар ажратилиши керак эди. Ногиронларни ишлаб чиқаришга жалб қилиш жараёнида тиббий экспертиза хулосаси асосида улар соғлигига зарар етказмайдиган соҳаларга ўқитишга эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Министрлар Советининг «Интернатлардаги Иккинчи жаҳон уруши ногиронларини моддий ва маданий турмуш шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш жараёнида уруш ногиронлари интернатларида ўтказилган текширув натижаларига кўра, раҳбарият томонидан

ногиронлар моддий аҳволи ва турмуши ҳамда эҳтиёжларига бюрократик муносабатда бўлинганлиги, шунингдек, Наманган, Шаҳрихон ва Қўқон шаҳарларидаги интернат бинолари ногиронларни жойлаштириш учун яроқсиз аҳволда эканлиги аниқланган .

Хулоса. Юқоридаги ҳолатларга қарамай хунармандчилик кооперацияси ташкилий ва иқтисодий жиҳатдан тузилишига кўра, артель аъзоларининг кундалик турмушдаги ижтимоий муаммоларини ҳал қилишда ҳам муҳим роль ўйнади. Айниқса, Иккинчи жаҳон уруши ногиронларини ижтимоий мослашувига сезиларли таъсир кўрсатган ҳолда коопертивлар ногиронларга моддий ёрдам бериш, уларни даволаниши ва протез билан таъминланишига кўмаклашган эди. Ногиронлар учун махсус цехлар ташкил қилиниб, корхоналарда фаолият олиб бориш имконига эга бўлмаганларга уйда ишлашлари учун алоҳида буюртмалар бериш орқали, уларнинг фаолияти учун шароитлар яратилган. Улар асосан, биринчи гуруҳ ногиронлари, кўп болали оналар, ёш болали оилалар ҳамда етим болалардан иборат бўлган. Шунингдек, ижтимоий ёрдамнинг асосий йўналишларидан бири Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини ва муҳтож оилаларнинг уй-жойларини таъмирлаш ҳамда моддий кўмак бериш ҳисобланган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Вставай страна огромная: (Компартия Узбекистана в годы Великой отечественной войны):Сб.документов и материалов/Сост.:Зотова Л.П., Ким П.Г и др. –Т.: Узбекистан, 1990.
2. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида /тузувчилар Жўраев М ва бошқ. – Тошкент: Шарқ, 2000.
3. Ўз МА, Р-2325-фонд, 1-рўйхат, 548-йиғма жилд
4. ЎзМА, Р-2326-фонд, 1-руйхат, 4-йиғма жилд
5. Ўз МА, Р-2326-фонд, 1-рўйхат, 51-йиғма жилд
6. ЎзМА, Р-2326-фонд, 1-рўйхат, 74-йиғма жилд
7. Ўз МА, Р-2326-фонд, 1-рўйхат, 110-йиғма жилд
8. ЎзМА, Р-2326-фонд, 1-рўйхат, 154-йиғма жилд
9. Ўз МА, Р-2326-фонд, 1-рўйхат, 245-йиғма жилд
10. Ўз МА, Р-2326-фонд, 1-рўйхат, 348-йиғма жилд
11. Ўз МА, Р-2326-фонд, 1-рўйхат, 348-йиғма жилд
12. Ўз МА, Р-2326-фонд, 1-рўйхат, 414-йиғма жилд
13. ЎзМА, Р-2326-фонд, 1-рўйхат, 455-йиғма жилд
14. Ўз МА, Р-2326-фонд, 1-рўйхат, 565-йиғма жилд
15. ЎзМА, Р-2326-фонд, 1-рўйхат, 798-йиғма жилд

16. Фарғона ВДА, 623-фонд, 1-рўйхат, 18-йиғма жилд
17. Фарғона ВДА, 623-фонд, 1-рўйхат, 33-йиғма жилд
18. Фарғона ВДА, 623-фонд, 1-рўйхат, 53-йиғма жилд
19. Фарғона ВДА, 623-фонд, 1-рўйхат, 64-йиғма жилд
20. Фарғона ВДА, 623-фонд, 1-рўйхат, 78-йиғма жилд